
Еттинчи чақириқ Халқ депутатлари Учкўприк тумани Кенгашининг биринчи сессияси бўлиб ўтди

Бугун еттинчи чақириқ Халқ депутатлари Учкўприк тумани Кенгашининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими ўринбосари Шерзоджон Польвонов иштирок этди.

Сессияда туман сайлов комиссияси раиси Юсуфхон Арслоновнинг жорий йил 27 октябрда бўлиб ўтган сайлов якунлари тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Сессияда депутатлар партия гуруҳлари рўйхатга олиниб, туман кенгашининг Регламенти ва доимий комиссиялар тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

Биринчи сессия ишида вилоят ҳокимининг Учкўприк тумани ҳокимини тайинлаш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилди.

Вилоят ҳокими ўринбосари Шерзоджон Польвонов Учкўприк тумани ҳокимини тайинлаш тўғрисидаги вилоят ҳокимининг қарорини ўқиб эшиттириди.

Учкўприк тумани ҳокими лавозимига номзод Эркабоев Қодиржон Носиржонович томонидан ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастури тақдимот қилинди.

Номзод бўйича депутатлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Депутатлар томонидан Учкўприк тумани ҳокими лавозимига Эркабоев Қодиржон Носиржонович номзоди тасдиқланди.

2024-11-07 15:28:43